КУТУБХОНАСИ ИНСТИТУТИ

2006 ЙИЛ, 23 МАЙ, СЕШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 97 (10.654)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

Қисқа сатрларда

● **БУГУН** Ҳамза туманидаги Усмон Носир маҳалласида «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ташаббуси билан уюштирилган давра суҳбати «Аёл ва шарқ маданияти» деб номланди.

● **КЕЧА** Учтепа туман ҳокимлигида туман фаоллари, маҳаллалар фуқаролар йиғини раислари ва уларнинг маслаҳатчилари иштирокида бўлиб ўтган тадбир айни кунларда маҳаллаларда ўтказилаётган фуқаролар йиғини раиси ва маслаҳатчилари сайловининг моҳиятига бағишланди.

● **КЕЧА** Бектемир туманидаги «Мажнунтол» маҳалласига йиғилган маҳалла фуқаролар йиғини вакиллари ва фаоллари маҳалла фуқаролар йиғини раиси ҳамда маслаҳатчиларини сайлашди.

● **БУГУН** Миробод туманида туман ижтимоий-таъминот бўлими, «Камолот» ЁИҲ туман бўлими Кенгаши ҳамкорлигида бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди.

● **БУГУН** «Илҳом» театрида Фридрих Эберт жамғармаси ҳамкорлигида Ўзбекистон-Германия маданий ҳамкорлиги масаласига бағишлаб ўтказилган давра суҳбатида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабалари иштирок этишди.

● **БУГУН** Чилонзор туман ҳокимлигида туман хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан фаол аёллар, корхона-ташкилотлар хотин-қизлар қўмиталари раислари, маҳаллалар хотин-қизлар комиссиялари раислари иштирокида уюштирилган тадбирда жамият тараққиётида аёллар фаоллигини оширишнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

● **БУГУН** Юнусобод туманидаги «Оқтепа» маҳалласида «Камолот» ЁИҲ туман бўлими Кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган давра суҳбати «Оила — маънавият ўчоғи» деб номланди.

● **ЯККАСАРОЙ** туман ҳокимлигида туман фаоллари иштирокида «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ташаббуси билан «Мустақиллик ва Конституция ҳимояси — ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз» мавзуида тадбир ўтказилди.

● **ЭРТАГА** Шайхонтоҳур туманидаги «Сузук ота» маҳалласида маҳалла фаоллари, маҳалла фуқаролар йиғини вакиллари иштирокида маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва маслаҳатчилари сайлови ўтказилади.

● **ШАЙХОНТОҲУР** туман ҳокимлигида туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамда «Элнажот» нодавлат нотижорат ташкилоти ҳамкорлигида «Хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ва маънавиятини юксалтириш» мавзуида семинар уюштирилди.

● **БУГУН** «Маънавият ва маърифат» марказининг Сергели туман бўлими ҳамда Уйғур миллий маданий марказининг туман бўлими ҳамкорликларида «Ёшлар — бизнинг келажагимиз» мавзуида ўтказилган давра суҳбатида шаҳримиз олий ўқув юртларида таҳсил олаётган талаба-ёшлар иштирок этишди.

Ўз мухбирларимиз хабарларидан.





«ТАШАББУС—2006» КЎРИК-ТАНЛОВНИНГ СОБИР РАҲИМОВ ТУМАН БОСҚИЧИДА ИШТИРОК ЭТГАН «KLAND KON SHARQ» ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ РАҲБАРИ АБДУКАРИМ АБДУРАҲМОНОВ ҒОЛИБ ДЕБ ТОПИЛИБ, «ЭНГ ЯХШИ ТАДБИРКОР» НОМИНИ ҚЎЛГА КИРИТГАНИ БЕЖИЗ ЭМАС.

Тадбиркорлик

ИЗЛАНИШ ИСТИҚБОЛГА ЕТАКЛАЙДИ



— Излансангиз, имкон топсангиз, асло ютқазмас экансиз,—дейди Абдукарим Абдураҳмонов. — Фақат билим ва тажрибани ишга солмоқ, тадбиркорлар учун яратилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланиб пухта режа тузиш ва уни амалга оширишдан эринмаслик, янгилик яратишдан чарчамаслик, бугунги шароитни, харидор дид ҳамда талабини тинмай ўрганиш лозим. Аввало хусусий тадбиркор сифатида иш бошлаган бўлсам, кўп ўтмай хусусий фирма очишга муваффақ бўлдим. Буларнинг ҳаммаси меҳнатларим, оила аъзоларимнинг яқиндан мадади самарасидир.

Айтиш жоизки, чиндан ҳам табиий чарм маҳсулотларининг бозори чаққон. Айниқса, ундан тайёрланган замонавий, турли моделдаги кийим-кечаклар харидорларни бефарқ қолдирмайди. Албатта, четдан келтирилаётган чарм маҳсулотларининг нархи анча баланд. Шуни ҳисобга олган Абдукарим ўзимизнинг маҳаллий чарм хом ашёсидан хорижникидан кўриниши, сифати билан асло қолишмайдиган, лекин харидорларимизнинг эҳтиёжини эътиборга олган ҳолда бирмунча арзон кийим-кечаклар тайёрлашни йўлга қўйди. Шу билан биргаликда мижозларга қулайлик яратиш мақсадида чармдан тайёрланган маҳсулотларни таъмирлаш ҳам амалга оширилмоқда.

—Бугунги кунга келиб маҳсулотларимиз моделлари 60 хилдан ортиб кетди,—дейди Абдукарим Абдураҳмонов. — Уларни пойтахтимизнинг «Чилонзор» ҳамда «Чорсу» буюм бозорларидаги савдо дўконларимиз орқали харидорларга етказиб бераяпмиз. Шунингдек, вилоятлардан ҳам буюртмачиларимиз бор. Россия давлати билан шартнома асосида ишлашга ҳаракат қилаяпмиз.

Тадбиркорлар эркаклар, аёллар, ўсмирлар ва болалар устки кийимлари билан биргаликда айни кунларда маҳаллий чармдан спорт пойабзаллари, бокс қўлқоплари ва бошқа маҳсулотлар тикишмоқда. Енгил, қулай ва чидамли, болалар учун мўлжалланган спорт пойабзаллари ва кийим-кечаклар корхонанинг ўзида ошланган чарм хом ашёсидан тайёрланмоқда. Асосий хом ашё эса аҳолидан сотиб олинади.

Тадбиркорга толе ёр, дея бежизга таъриф берилмайди. Абдукарим Абдураҳмонов ҳам ўз толеини, фирмаси истиқболини меҳнати, изланишлари билан яратмоқда. Унинг асл мақсади эса ички бозорни рақобатбардош чарм маҳсулотлари билан таъминлаб, харидорлар талабини қондириш баробарида хорижга ҳам чиқиш, экспортни кўпайтириб, мамлакат иқтисодиёти ривожига муносиб ҳисса қўшишдир.

Шарифа ИЛЁСОВА

СУРАТЛАРДА: хусусий корхона фаолиятидан лавҳалар.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

АЛОҚАЧИЛАР АЛОҚАНИ МУСТАҲКАМЛАМОҚДА

ТОШКЕНТДА АЛОҚА СОҲАСИДАГИ МИНТАҚАВИЙ ҲАМДЎСТЛИК АЛОҚА МАЪМУРИЯТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ 35-МАЖЛИСИ ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ БЎЙИЧА МИНТАҚАВИЙ ҲАМДЎСТЛИК МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШИНИНГ 9-ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Ушбу тадбирларда МДҲ мамлакатларининг алоқа маъмуриятлари раҳбарлари, Латвия, Литва Республикаси, «Дойче телеком» (ГФР), Эстония Республикасининг «Эсттелеком» акционерлик жамиятидан кузатувчилар, шунингдек, Халқаро электр алоқа иттифоқи, МДҲ Ижроия қўмитаси, мамлакатимиз ва хориждаги қатор компаниялар вакиллари иштирок этмоқда.

Алоқа соҳасидаги минтақавий ҳамдўстлик кенгаши раиси, Россия Федерациясининг ахборот технологиялари ва алоқа вазири Л.Рейман тадбирни очар экан, жорий йилда Алоқа соҳасида минтақавий ҳамдўстлик ташкил этилганига 15 йил тўлганини таъкидлади. Бугун Алоқа соҳасида минтақавий ҳамдўстлик таркибига 12 нафар тўла ҳуқуқли аъзо ва 6 нафар кузатувчи киради.

Алоқа соҳасидаги минтақавий ҳамдўстликнинг Мустақил Давлат Ҳамдўстлигида давлатлараро мувофиқлаштирувчи орган сифатидаги мақоми МДҲ ҳукуматларининг «Почта ва электрон алоқа соҳасида давлатлараро муносабатларни мувофиқлаштириш тўғрисидаги битим»ни имзоланган раҳбарлари кенгаши томонидан белгиланган. Алоқа соҳасидаги минтақавий ҳамдўстлик қисқа муддат ичида халқаро миқёсда кенг эътироф этилди. У Халқаро алоқа иттифоқи ва Жаҳон почта иттифоқида кузатувчи мақомига ҳам эга. Ўтган 15 йил давомида Алоқа соҳасидаги минтақавий ҳамдўстлик МДҲ давлатларининг миллий алоқа ва ахборотлаштириш тармоқларини ривожлантириш ҳамда бирлаштириш йўлидаги самарали ва ўзаро фойдали ҳамкорлигини намоён этди.

Тадбирда МДҲ мамлакатлари алоқа маъмуриятлари ўртасида ўзаро фойдали ҳамкорликни янада кенгайтириш, иқтисодий, илмий-техника сиёсати соҳасида ҳамжиҳатликни мувофиқлаштириш, радиоспектрни бошқариш, ягона почта кенглигини ташкил этиш ҳамда бошқа халқаро ташкилотлар билан ўзаро муносабат ўрнатиш масалалари муҳокама этилмоқда.

Йиғилиш қатнашчилари ўтган йилнинг ноябрида Тунисда бўлиб ўтган Ахборот ҳамжамияти масалалари бўйича бутунжаҳон учрашуви қарорларининг ижроси, кичик бизнес субъектларига алоқа хизматларини кўрсатиш тажрибаси ва бу борада лицензиялаш, нархни белгилаш ва базавий алоқа операторлари билан ўзаро муносабатлар соҳасида пайдо бўладиган муаммоларни кўриб чиқади. Шунингдек, Ахборот-маркетинг марказлари тармоғини ташкил этиш бўйича давлатлараро дастурнинг амалга оширилиши, МДҲ давлатларининг ахборот технологиялари соҳасидаги стандартларини уйғунлаштириш муаммолари, Ҳамдўстликдаги ахборотлаштириш жараёнини ифода этувчи ишлаб чиқиладиган кўрсаткичлар тизимини муҳокама этиш режалаштирилмоқда.

Йиғилишнинг биринчи кунида Алоқа соҳасидаги минтақавий ҳамдўстликка аъзо давлатлар делегацияларининг Женевада (Швейцария) бўлиб ўтаётган рақамли эшиттиришни режалаштириш бўйича минтақавий конференцияда иштирок этаётган раҳбарлари билан видеоконференция ташкил этилди. Видеоконференция давомида ушбу масалада ягона сиёсат юритиш ҳамда Алоқа соҳасидаги минтақавий ҳамдўстлик аъзоларининг манфаатлари муштараклиги ва уйғунлиги тўғрисида фикр алмашинди ва муайян келишувларга эришилди.

Тадбир доирасида Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Россия Федерациясининг Ахборот технологиялари ва алоқа вазирлиги ўртасида ахборот технологиялари, почта алоқаси ва электрон алоқа соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори А.Орипов иштирок этди.

В.НИКОЛАЕВ, ЎзА мухбири

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси Қонунчилик палатасининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси бош бошқармаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти билан ҳамкорликда «Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ердан фойдаланиш самарадорлигини қонунчилик асосида таъминлаш» мавзуида илмий-амалий анжуман ўтказди.

● Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси БМТнинг «Парламентнинг қонун ижодкорлиги ва институционал салоҳиятини такомиллаштириш» лойиҳаси билан ҳамкорликда «Ўзбекистон Республикасида фирма номлари» тўғрисидаги қонунчиликнинг ривожланиш муаммоларига бағишланган давра суҳбати ўтказди.

● Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қўмиталар ва депутатлар ишини ривожлантириш ва таҳлил қилиш тизими масалаларига бағишланган тақдимот-тренинг (Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Давлат Думаси ва ЕИ давлатлари парламентлари мисолида) ўтказилди.

● Фарғона Давлат университетида республика ёш олим ва иқтидорли талабаларининг «Ақлзаковатимиз сенга — она Ватан!» мавзуидаги илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

● Сурхондарё вилояти «кумуш тола» ижодкорлари республикада биринчи бўлиб пилла тайёрлаш шартномавий режасини бажаришди. Қабул пунктларига 1060 тонналик пилла хом ашёси топширилди. Бу ўтган йилдагидан 100 тонна кўпдир.

● «В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акциядорлик жамияти Россиянинг «Техноспецсталь-инжиниринг» компаниясига 2008 йилгача 30 та Ил-114 самолётини етказиб бериш бўйича ўзининг сўнгги йиллардаги энг йирик шартномасини имзолади.

● Бердақ миллий музейида XX аср қорақалпоқ адабиёти ривожига салмоқли улуш қўшган, ўзидан инсон ички оламининг психологик қирраларини акс эттирган ажойиб асарлар қолдирган Бобош Исмоилов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган хотира кечаси бўлиб ўтди.

● Тошкент шаҳридаги «Ўзбекистон» спорт мажмуида қитъанинг энг кучли 16 терма жамоаси иштирокида футзал бўйича VIII Осиё чемпионати қизғин давом этмоқда. Мамлакатимиз терма жамоаси биринчи тур учрашувида Малайзия спортчиларини 7:0 ҳисобида енгди.

● Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги «Шахпахти» газ конида янги компрессор станцияси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Мазкур иншоот бир кеча-кундузда салкам 1,3 миллион куб метр газни Марказий Осиё —Марказгаз тармоғи орқали чет мамлакатларга экспорт қилиш имконини беради.

ЖАҲОНДА

● Европа харитасида янги давлат пайдо бўлди. Черногориянинг Сербия таркибидан чиқиши ва унинг мустақиллиги масаласи бўйича референдум натижаларига кўра Черногория мустақиллигини овоз берувчиларнинг 55,4 фоизи маъқуллаган. Таъкидлаш керакки, Европа Иттифоқи шартларига кўра Черногория референдумда 55 фоиз овоз тўплай олсагина, расман мустақил деб эълон қилиниши мумкин эди. Шу муносабат билан Черногорияда катта шодиёналар бўлиб ўтди.

● Кеча Москвада хорижга чиқиш имконини берадиган дастлабки биометрик паспортларни топшира бошлашди. Унда паспорт соҳиби ҳақидаги барча маълумотлар электрон схемага жойлаштирилган. Шу муносабат билан шаҳардаги Домодедово ва Шереметьево аэропортларида учта ўтказиш пункти очилди.

● Кеча халқаро қутқарувчилар жамоаси томонидан 20 соатлик саъй-ҳаракатларнинг самараси ўлароқ Кора денгиз тубидан шу йилнинг 3 май куни ҳалокатга учраган А-320 самолётининг «қора қути»си топилиб, чиқариб олинди. У ўрганиш учун Москвага юборилади. Энди иккинчи «қора қути»ни излаш ишлари бошланиб кетади.

● Фаластин мухториятида ФАТҲ ва ХАМАС гуруҳлари ўртасидаги қарама-қаршиликлар кескин тусга кирди. Чунончи, ўтган куни Фаластин хавфсизлик хизмати раҳбари Абу Ражибга нисбатан суиқасд уюштирилди. Хавфсизлик биносининг лифтида содир этилган портлаш оқибатида Абу Ражиб ва 14 киши жиддий жароҳатланди, 1 нафар тан қўриқчиси ҳаётдан кўз юмди.

● Кеча Доғистоннинг Хасавюрт шаҳрида амалга оширилган беш соатлик махсус операция давомида маҳаллий жиноятчилар гуруҳининг бошлиғи Абдуллаев йўқ қилинди.

● Жорий йилнинг 1 июлидан бошлаб Украина истеъмолчилари Россия газининг минг кубометри (ҚҚС ва транспорт харажатларисиз) учун 130 доллар тўлашади. Буни «Газпром» раисининг ўринбосари Александр Рязанов маълум қилган.

● Испания Бош вазири Хосе Луис Родригес Сапатеро июнь ойида баскларнинг «ЭТА» айирмачи гуруҳи билан тўғридан-тўғри мулоқотлар бошланиши ҳақида маълум қилди.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар беришича, 24 май куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши мумкин. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 16-18, кундузи 31-33 даража иссиқ бўлади.

Маҳалланг—ота-онанг

БУГУНГИ КУНДА ЯНГИ ДАВЛАТЧИЛИК ПОЙДЕВОРИГА МУСТАҲКАМ АСОС ЎРНАТАЁТГАН МАМЛАКАТИМИЗ ҚАДИМ САРЧАШМАЛАРДАН БАҲРА ТОПМОҚДА. ТЕЗ ВА ҚИСҚА ФУРСАТЛАР ИЧИДА ХАЛҚ ЖИПСЛИГИНИНГ ТИМСОЛИГА АЙЛАНГАН—МАҲАЛЛА ТИЗИМИНИНГ ЯНА МАВҚЕИ ОРТМОҚДА.

ЯНА ИШОНЧ БИЛДИРИШДИ

Айниқса, Учтепа туманидаги «Хондамир» маҳалла фуқаролар йиғинида ўтказилган ҳисобот-сайлов йиғилиши иштирокчилари юқорида таъкидлаб ўтилган фикрларимизнинг гувоҳи бўлишди, десак адашмаймиз. Маҳаллада 2000 га яқин аҳоли, 11 та кўча, 296 та хонадон мавжуд, 296 та оила истиқомат қилади. Албатта, катта ҳудудга эга маҳалла ишларининг бир маромда кечиши осон бўлмайди. Бунинг учун маҳалла етакчиси фидойи, жонкуяр, ташкилотчи ички интизомга қатъий риоя қиладиган, халқнинг урф-одатлари, маросимларида бош-қош, бир сўз билан айтганда жамиятимизнинг илғор вакили бўлиши зарур.

Сайловда иштирок этиш учун ташриф буюрган 68 нафар халқ вакили ана шундай маҳалла етакчиси, фаолларни сайлаб олиш ниятида маҳалла гузарига йиғилди. Дастлаб, маҳалланинг юмушлари, шодумон кунларида елкадош бўлган, аммо бугун орамиздан кетган инсонларнинг хотираси ёдга олинди.

Шундан сўнг шу вақтга қадар маҳалла фуқаролар йиғини раиси лавозимида фаолият юритиб келаётган Шоҳида Бадалова ва тафтиш комиссиясининг раиси Саидазим Саидқосимовларнинг икки ярим йиллик ҳисоботи тингланди. Қайд этилганидек, ўтган давр мобайнида яроқсиз ҳолга келиб қолган маҳалла гузари, милиция таянч пункти қурилиб фойдаланишга топширилди. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, бандлик даражасини ошириш, маънавий-маърифий аҳамиятга молик тадбирларни мунтазам равишда ўтказиб бориш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилди.

Шу маънода муҳокама учун сўзга чиққан «Нуроний» жамғармаси туман бўлими раиси, Иброҳим Иноғомов, 6-оилавий шифохона бош шифокори Феруза Йўлдошева ва бошқалар маҳалла фаолияти ҳақидаги илиқ фикрлари билан ўртоқлашдилар.

Сўнг маҳалла фуқаролар йиғини раиси (оқсоқол) лавозимига номзод сифатида кўрсатилган Шоҳида Бадалова ва Саидазим Саидқосимовларнинг сайловолди дастурлари тингланди. Номзодлар очиқ овоз бериш йўли билан овозга қўйилди. Сайлов иштирокчилари якдиллик билан Шоҳида Бадаловани келгуси муддатга ҳам маҳалла фуқаролар йиғини раислигига сайлашди.

Хидирали ПАНЖИЕВ

САЙЛОВЛАРНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

МАМЛАКАТИМИЗДА БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИНГ ЎЗГАРИБ БОРАЁТГАНИ ДАВЛАТ СИЁСАТИДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ. АЙНИҚСА УШБУ ЖАРАЁННИ МАҲАЛЛИЙ ҲОКИМЛИКДАН БОШЛАБ, ХАТТОКИ ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИГА ҚАДАР КУЗАТИШ МУМКИН ВА ТАЪКИДЛАБ ЎТИШ ЛОЗИМКИ, БУ БОРАДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ЎЗ САМАРАСИНИ БЕРМОҚДА.

Айни пайтда республикамизда ўтказилаётган фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчиларининг сайловлари алоҳида диққатга сазовордир. Ахборот ўрнида айтиб ўтиш керакки, давлатимиз ва қонунчилигимиз тарихида йигирманчи аср бошларига қадар "маҳаллий ўзини ўзи бошқариш" атамаси ишлатилмаган. Аммо умумэътироф этилган маънода маҳаллий ўзини ўзи бошқариш Марказий Осиёда мавжуд бўлган. Бугунги кунга келиб эса ушбу тушунча янада легитимлаштирилганлигини 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонун асосида кўришимиз мумкин.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмасада, ўз ваколатларини тегишли ҳудудда қонун доирасида амалга оширади. Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловининг принципиал тарзда амалга оширилиши эса маҳаллалардаги мавжуд ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг қонуний йўлга қўйилганлигидан далолатдир. Таъкидлаб ўтиш лозимки, ушбу сайловларнинг асосий тамойиллари демократизм, ошкоралик ва тенг сайлов ҳуқуқидир.

Демократизм тамойили асосан сайловнинг даврийлиги ва доимийлигини ифода этиб, халқ вакиллари муайян, унча катта бўлмаган муддатга сайлангандагина сайловлар ижобий функцияларни бажара олади ва демократия воситаси сифатида хизмат қилади. Демак, фуқаролар йиғини раиси 2,5 йил муддатга сайланиши ҳам бежиз эмас.

Ошкоралик тамойили сайловчилар ва номзодлар ўртасида уларнинг иродасига воситачилик қилувчи ва номзодларнинг шахсий таркибини бевосита белгилаб берувчи ташкилот йўқ эканлигини инобатга олган ҳолда сайловчи сайланадиган лавозимига муайян номзод бўйича бевосита қарор қилиб, мавжуд шахс учун овоз бериши билан таърифланади.

Тенг сайлов ҳуқуқи тамойили ҳар бир сайловчи фақат бир хил баҳоланувчи бир овозга эга эканлигини ифодалайди, шу билан бирга сайлов ҳуқуқининг тенглиги, ҳар бир шахснинг сиёсий ҳуқуқларини намоён этади.

Бир сўз билан айтганда, юртимизда ўтказилаётган ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар сиёсий соҳада олиб борилаётган изчил ислоҳотларнинг ёрқин далилидир. Шубҳасиз, бунинг пировард ижобий натижалари ҳаётимизда намоён бўлиб бормоқда. Шундай экан, ҳар биримиз бу сайловларда фаоллик кўрсатиб, номзодликка қўйилганлар орасидан энг муносибига овоз берайлик.

Дилноза АЗИМОВА,
Ўзбекистон Миллий университети ижтимоий-сиёсий фанлар факультети политология бўлими IV курс талабаси

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАР ТАШКИЛОТЛАРИ ФОРУМИ

ТОШКЕНТДА БЎЛИБ ЎТГАН ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАР ТАШКИЛОТЛАРИ ФОРУМИДА МАМЛАКАТИМИЗ ИЖТИМОИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИДА ХОТИН- ҚИЗЛАРНИНГ РОЛИНИ ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ.

Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, қатор вазирлик ва идоралар раҳбарлари, ҳудудий хотин-қизлар қўмиталари раислари, хотин-қизлар нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва халқаро ташкилотлар вакиллари, тадбиркор хотин-қизлар иштирок этди. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва «Меҳр» республика хотин-қизлар нодавлат-нотижорат ташкилотлари бирлашмаси томонидан Нодавлат-нотижорат ташкилотлар миллий уюшмаси ва «Тадбиркор аёл» Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси кўмагида ташкил этилган ушбу тадбирда Ўзбекистонда демократлаштириш жараёнини жадаллаштириш учун давлат ҳамда тадбиркорлик тузилмалари, хотин-қизлар нодавлат-нотижорат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш масалалари муҳокама этилди.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий соҳалардаги фаоллигини кучайтириш масаласи аниқ мақсадли давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Президент Ислом Каримовнинг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин- қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора- тадбирлар тўғрисида»ги фармони хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш, уларнинг муаммоларини ҳал қилиш билан шуғулланадиган ташкилотлар ишлари янада самарали бўлишига ёрдам берди. Бу борада давлат ва жамият қурилиши, бозор иқтисодиётини ривожлантириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилани мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, баркамол ёш авлодни тарбиялаш ва хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб- қувватлашда хотин- қизларнинг иштирокини кенгайтиришга қаратилган вазифалар амалга оширилмоқда. Ноҳукумат хотин-қизлар ташкилотлари фуқаролик жамиятининг таркибий қисмига айланишига катта эътибор берилмоқда.

Давлат миқёсида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун барча зарур чоралар кўрилмоқда. Ўзбекистон ушбу соҳага тааллуқли кўплаб халқаро ҳужжатлар, жумладан БМТнинг «Аёллар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида»ги Конвенцияси ва Пекин ҳаракатлар платформасига қўшилди.

Хотин-қизларнинг иқтисодий мустақиллигини кенгайтирмай, уларнинг жамиятдаги мавқеини ошириб бўлмайди, деб таъкидланди анжуманда. Шу боис республика раҳбарияти бу масалага алоҳида эътибор қаратмоқда. Хотин-қизлар бандлиги ва улар учун янги иш ўринлари яратиш бўйича ҳудудий дастурлар амалга оширилмоқда.

Юртбошимизнинг 2005 йил 14 июндаги «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва жорий йил 5 майдаги «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонлари ўз ишини бошлашни истовчилар, жумладан, хотин- қизлар учун ҳам янги истиқболларни очиб берди. Хотин-қизлар томонидан ташкил этилаётган корхоналар сони ортиб бормоқда. Бундан ташқари, уларга касаначилик билан шуғулланишлари учун барча имкониятлар яратилган.

Эътиборли томони шундаки, мамлакатимизда хотин-қизларнинг ўрнини мустаҳкамлаш, уларнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий соҳалардаги фаоллигини оширишда ноҳукумат ташкилотлар ҳам катта роль ўйнамоқда. Бугун республикада ўнлаб шундай ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда, улар хотин- қизларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, янги касб ўргатиш, соғлиғини яхшилаш, кам таъминланган ва кўп болали оилаларни қўллаб-қувватлаш билан шуғулланмоқда.

Форумда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С.Рашидова, «Меҳр» хотин-қизлар нодавлат-нотижорат ташкилотлари бирлашмаси раиси З.Тўхтахўжаева, «Тадбиркор аёл» Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси раиси Д.Алимбекова, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири ўринбосари С.Ҳасанов, Савдо-саноат палатаси раиси ўринбосари Д.Мирзакаримов, нодавлат-нотижорат ташкилотлар миллий уюшмаси раиси Н.Ҳабибуллаев ва бошқалар шулар хусусида гапирди.

Бугун мамлакатимиз аҳолисининг ярмидан кўпини ташкил этувчи хотин-қизлар жамиятимизни барқарор ривожлантиришга улкан ҳисса қўшмоқда. Уларнинг муносиб ҳаёт кечириши учун шароит яратиш, иқтисодий мустақиллиги, ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатли ҳимоя қилиш, профессионал даражасини оширишни таъминлаш гендер тенглигига эришишнинг пойдевори ҳисобланади. Мазкур мақсадлар форумда қабул қилинган қарорда акс эттирилди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова иштирок этди.

А.ИВАНОВА,
ЎзА мухбири

МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ ЙИҒИЛИШИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИДА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШИНИНГ ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Унда Бош прокуратура бошқарма ва бўлим бошлиқлари, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, вилоятлар, Ўзбекистон Транспорт ва Ҳарбий прокурорларининг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг масъул ходимлари иштирок этди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуни талабларини бузиш билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ҳужжатларни, фуқароларнинг бедарак йўқолганлиги ҳамда таниб олинмаган жасадлар топилганлиги ҳақидаги ариза ва хабарларни кўриб чиқишда қонунийликни таъминлаш, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф муомала қилишга қарши курашга оид масалалар муҳокама қилинди.

Йиғилишда таъкидландики, сўнгги йилларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуни талабларини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларга қарши кураш, уларнинг олдини олиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкамлаш борасида муайян ишлар амалга оширилган.

Бироқ, шу билан бирга, айрим ҳолатларда бу соҳада маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ҳужжатларни расмийлаштириш, ҳуқуқбузарларнинг ҳаракатларини малакалаш, материалларни ҳал этишда қонун талаблари бузилаяпти.

Йиғилишда диний экстремизм, терроризмга қарши кураш ва унинг олдини олиш борасидаги қонунлар ижросини таъминлаш ҳамда мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислоҳотлар жараёнида бу йўналишдаги фаолият, айниқса профилактика ишларининг самарадорлигини оширишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар атрофлича муҳокама этилди.

Жиноятчиликнинг олдини олишда гиёҳвандликка қарши кураш масалалари ўта муҳим аҳамиятга эга.

Бош прокуратура матбуот хизматидан маълум қилишларича, йиғилишда бу борада амалга оширилган ишлар билан бирга, қатор камчилик ва қонунбузарлик ҳолатлари мавжудлигига эътибор қаратилган.

Мутасадди идоралар томонидан гиёҳвандликка чалинган шахсларни аниқлаш, мажбурий даволаш ҳамда мазкур соҳадаги жиноятларнинг олдини олишга қаратилган профилактик тадбирларни амалга оширишдаги камчиликлар жиддий муҳокама этилди.

Жаҳон миқёсида гиёҳвандликка қарши кураш олиб борилаётган бир вақтда терроризм ва уюшган жиноятчиликка қўшилиб кетган бу иллатни бартараф этишда ҳамкорликдаги ишларни кучайтириш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Йиғилишга таклиф этилган мутасадди идораларнинг айрим масъул ходимлари муҳокама этилаётган масалалар юзасидан ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Кенгаш қайд этилган камчилик ва қонунбузарликларни бартараф этиш, ушбу соҳалардаги фаолият сифат ва самарадорлигини оширишга қаратилган чора- тадбирларни амалга оширишга оид қарорлар қабул қилди.

ЎзА

Таълим масканларида

САНЪАТНИНГ СЕҲРЛИ НАВОЛАРИ

САНЪАТ ИНСОНЛАРНИНГ ҚАЛБ ОЗИҒИ, КЎНГИЛ КАЛИТИ, ДИЛ ОРОМИ ҲИСОБЛАНАДИ. АЙНИҚСА МУСИҚА САНЪАТИНИНГ СЕҲРИ БАРЧА ИНСОНЛАРНИ ЎЗИГА МАФТУН ЭТИБ, ДИЛЛАРИГА ХУШ КАЙФИЯТ БАҒИШЛАБ КЕЛМОҚДА.

Яқинда Чилонзор туман маданият ва спорт ишлари бўлимига қарашли 3- болалар санъат мактаби жамоасининг 2005-2006 ўқув йили якунига бағишланган ҳисобот концерти бўлиб ўтди.

—Мактабимизда,— дейди мазкур санъат маскани директори Ҳамидулла Саъдуллаев,— 270 га яқин ўқувчилар таълим олмоқдалар. Уларга мусиқанинг сеҳрли оҳангларини ўргатишга астойдил ҳаракат қиляпмиз. Бу ерда таълим олаётган ёшларимизнинг барчаси куй ва қўшиққа, мусиқа асбобларига меҳри баланд. Уларнинг изланиш ва интилишларини, иқтидорларини ҳисобга олган ҳолда иш олиб борамиз. Умид қиламизки, ушбу даргоҳда таълим олётган ёшлар келажакда санъат соҳасининг энг юқори чўққисини забт этиб, Ўзбекистонимиз шаънини етти иқлимга ўз куй, қўшиқлари билан тараннум этадилар. Агар биз мусиқа соҳасида янги- янги истеъдодларни кашф қилишга ўз ҳиссамизни қўшсак, бу бизнинг энг катта ютуғимиз ҳисобланади. Зеро, ҳар қандай касбнинг ютуғи унинг эзгулик йўлида қилинган ишлари, халқимизга берган нафи ва келгуси авлодларга ибрат бўладиган тамойиллари билан ўлчанади.



Дарҳақиқат, ушбу масканда дутор, рубоб, доира, қашқар рубоби, фортепиано, хореография, пианино бўлимлари, дуторчилар ансамбли мавжуд.

Мазкур ҳисобот-концертда ўқувчилар ўзларининг йил давомида тўплаган билимларини йиғилганларга тақдим этдилар. Кечада айниқса Н. Норхўжаев мусиқаси, Пўлат Мўмин сўзи билан айтиладиган «Қуёш, қуёш», «Салом берган болалар», Дилором Омонуллаева мусиқаси, Хуршид Даврон сўзи билан «Сен менинг Ватанимсан», ўзбек халқ куйи асосидаги «Чаманда гул» каби қўшиқлар маҳорат билан ижро этилди. Шунингдек, хоразмча, татарча рақслар, русча қўшиқлар ҳам ўзига хос, такрорланмас тарзда ижро этилиб йиғилганлар эътиборига ҳавола этилди.

Ўзининг бетакрор овози, оҳанрабо куйлари билан кечага файз бағишлаган ўқувчилар Фахрий ёрлиқлар ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Мазкур тадбирда, бастакорлар, журналистлар ва ота-оналар иштирок этдилар. Куй, қўшиққа йўғрилган кеча барчага манзур бўлди.

Дилноза БОЗОРОВА
СУРАТДА: ҳисобот-концертдан лавҳа.

Иқтисодиёт

АВТОМОБИЛЛАР УЧУН ОЙНАЛАР

ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСУВЧИ СИФАТЛИ ВА РАҚОБАТБАРДОШ, ХАРИДОР ТАЛАБИ ВА ЭҲТИЁЖИГА МОС ТОВАРЛАР ТАЙЁРЛАНИШИДА ЯРАТИЛГАН ИМКОНИЯТЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНАЁТГАН ТАДБИРКОРЛАРИМИЗНИНГ ҲИССАСИ КАТТА БЎЛМОҚДА.

Албатта уларнинг асосий мақсадлари ишлаб чиқаришни ривожлантириб, иқтисодиётимиз ривожига ҳисса қўшиш баробарида «Ўзбекистонда тайёрланган» ёрлиқли жаҳон андозалари даражасидаги товарларни хорижий давлатларга ҳам экспорт қилиш, юртимиз довруғини таратиш, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга ҳисса қўшишдир.

Сергели туманида фаолият кўрсатаётган «Мириада» масъулияти чекланган жамияти ҳам ана шундай жамоалар сирасига киради. Бу ерда автомобилларнинг олд ойналари, турли транспорт воситалари, бинолар қурилиши учун безакли ойналар тайёрланади. Замонавий техника ва технологиялардан унумли фойдаланаётган тадбиркорлар ички бозорни таъминлаш баробарида маҳсулот экспортини йўлга қўйишга саъй-ҳаракат қилишмоқда.

— Жорий йилда ўз маҳсулотларимиз, яъни автомобиллар учун мўлжалланган олд ойналаримизни Россия, Қозоғистон, Қирғизистон давлатларига экспорт қилиш учун ҳамкорлар билан музокаралар олиб бораяпмиз, — дейди корхона раҳбари Алламурод Шамшетов. — Шунингдек, маҳсулот турларини кўпайтиришга бозорни ўрганиш асосида ҳаракат қилаяпмиз. Бугунги кунда асосий хом ашёни Қирғизистондан олаётган бўлсак, келгусида маҳаллий хом ашёдан фойдаланишни кўзлаяпмиз. Бу маҳсулот таннархини пасайтиришга ёрдам беради, албатта.

Айни кунларда корхонада автомобиллар учун юқори сифатли «Триплекс» олд ойнаси ҳамда турли хил синмайдиган безакли ойналар тайёрланмоқда.

МИЛЛИЙ ЛИБОСЛАР УСТАСИ

ЭГНИНГИЗДАГИ ЛИБОС ҚАДДИ-ҚОМАТИНГИЗГА ЯРАШСА, КЎРГАНЛАР ҲАВАС ҚИЛСА, БУНДАН НАФАҚАТ ЎЗИНГИЗ, БАЛКИ УНИ ЯРАТГАН МОДЕЛЬЕР-ЧЕВАР УСТАЛАР ҲАМ МАМНУН БЎЛИШАДИ.

Негаки, яхши либослар ҳам ўз-ўзидан яратилмайди. Бу изланишлар, янгилик яратиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар, пухта билим ва маҳоратлар самарасидир.

Миллий кийимлар устаси Майрам Жалолова ҳам изланаётган хусусий тадбиркорлар сирасидандир. Шу боис ҳам у «Ташаббус» кўрик-танловининг Бектемир туман босқичида ўз маҳорати намунаси бўлган миллий либосларини намойиш этиб, «Энг яхши ҳунарманд» номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритди.

Майрам Жалолова «Уста-шогирд» йўналиши бўйича фаолият кўрсатиб, ҳар йили ўз маҳалласидаги қизжувонлардан бир нечтасига ўз ҳунари сирларини ўргатади. Улар яратган миллий либослар эса «Чилонзор» буюм бозоридаги савдо расталарида харидорларга тортиқ этилмоқда.

Шарофат БАҲРОМОВА

ХАРИДОРГИРЛИГИ ОРТМОҚДА

ЙИЛДАН-ЙИЛГА САФЛАРИ ОРТИБ БОРАЁТГАН ҚЎШМА КОРХОНАЛАРДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН СИФАТЛИ, РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАР ИЧКИ БОЗОРИМИЗНИ ТЎЛДИРИБ, ХАРИДОРЛАРНИНГ ҲАМ ТАЛАБИНИ ҚОНДИРМОҚДА.

Мирзо Улуғбек туманида 1999 йилдан буён фаолият юритаётган «MAVJ» Ўзбекистон — Британия қўшма корхонасининг 100 нафарга яқин ишчи-хизматчилардан иборат жамоаси ҳам сифатли, рақобатбардош маҳсулотлари билан харидорларни мамнун қилмоқда. Ҳозирги кунда мазкур қўшма корхона қошида «Kinghold» шўъба корхонаси ҳам муваффақиятли иш юритмоқда.

Жамоа аҳли бир-биридан чиройли идишларда қадоқланган шампунь ҳамда сифатли тозалаш воситаларини турли сиғимли, бежирим идишларда сотувга чиқармоқда. Уларнинг барчаси экологик тоза хом ашёдан тайёрланиши, меъёрдаги талабларга тўлиқ жавоб бериши қатъий назоратда. Хорижий, замонавий, юксак самарали технологик линиялар ишчи-хизматчиларнинг ҳақиқий мададкорига айланган.

Мазкур қўшма корхона тасарруфидаги шўъба корхонада эса харидоргир бўлган, юртимизда етиштирилган маҳсулотлардан тайёрланган, қадоқланган, тезпишар угра ҳамда вермишель шўрвалар Хитой давлатидан келтирилган дастгоҳларда тайёрланиб, савдо шохобчаларига чиқарилмоқда. Уларнинг чиройли қадоқланиши, осон тайёрланиши ва хушбўйлаштирилган қўшимчалари нозиктаъб мижозларга ҳам маъқул бўлмоқда.

Корхона тадбиркорлари доимо изланишда бўлиб, маҳсулотлари турларини кўпайтириш ва асосийси, уларнинг харидоргирлигини таъминлаш борасида унумли меҳнат қилмоқдалар.

МУҲИМ ОМИЛ БЎЛМОҚДА

ЯНГИЛИК ЯРАТГАН, ТИНМАЙ ИЗЛАНГАН, СИФАТГА АСОСИЙ ЭЪТИБОР ҚАРАТГАН ТАДБИРКОРГИНА БОЗОРДА МУҚИМ ЎРИН ЭГАЛЛАШИ МУМКИН. БУНДАЙ ТАДБИРКОРЛАР ҲОЗИРГИ КУНДА КЎПЧИЛИКНИ ТАШКИЛ ЭТИБ, МИЖОЗЛАРНИНГ ДИД ВА ЭҲТИЁЖИГА ҚАРАБ ХАРИДОРБОП МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЙЎЛИДА УНУМЛИ МЕҲНАТ ҚИЛМОҚДАЛАР.

1996 йилдан фаолият юритаётган «ZERKINA» хусусий ишлаб чиқариш-тижорат фирмасида ҳам тадбиркор раҳбар етакчилигида аёллар учун сифатли, хушбичим, мавсумбоп либослар тикилмоқда. Замонавийлик анъанавийлик билан ўзаро уйғунлашиб, дид билан танланган сифатли мато моҳир дизайнчи, фирманинг тажрибали бичиқчиси ҳамда қўли гул тикувчилари касб-маҳоратидан сайқал топади.

— Турли бичимдаги аёлларнинг юбка-костюмлари, шим, кўйлак, тантаналарга мўлжалланган, гўзал безакланган турли либослар қисқа муддатларда мижозларга тақдим этилади, — дейди фирма директори, иқтисодчи тадбиркор Нозима Мусаева. — Тадбиркорликнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши, эркин фаолиятимиз учун ҳуқуқий замин ҳамда кафолат яратилгани ривожланишимизда муҳим омил бўлмоқда.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ
Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашининг саҳифаси

ЖАМОА ШАРТНОМАЛАРИ — ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ АСОСИ

ЖАМОА ШАРТНОМАЛАРИ «ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИГА БИРЛАШГАН КАСАБА УЮШМАЛАРИНИНГ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДАГИ ҲАРАКАТ ДАСТУРИ" ДА БЕЛГИЛАБ БЕРИЛГАН КАСАБА УЮШМАЛАРИНИНГ ЎЗ АЪЗОЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВАЗИФАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА АСОСИЙ ВОСИТАЛАРДАН БИРИ БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА.

Бугунги кунда жамоа шартномаси-корхона, ташкилотда иш берувчи билан ходимлар ўртасидаги меҳнатга оид муносабатларни тартибга солувчи ва барқарорлаштирувчи норматив ҳужжатдир.

Ўзбекистон Ёқилғи-энергетика комплекси, кимёсаноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар Кенгаши тизимига қарашли 141 та бошланғич ташкилотларда ишловчи 32103 нафар ишчи-ходимлар жамоа шартномалари орқали ҳимояланганлар. Тузилган жамоа шартномалари бандларида: аёллар меҳнатини енгиллаштириш мақсадида иш соатларини ҳафтасига 1 соатга қисқартириш, ҳомиладорлик таътилига 6 ойликдан чиқариш (ҳақ тўланиб), болани 2 ёшгача парваришлаш учун нафақа тўлаш, ишчи-ходимлар учун қўшимча таътиллар бериш (иш стажига қараб), меҳнат таътилига чиқаётганда бир ойлик маош миқдорида моддий ёрдам бериш, юбилей саналарида рағбатлантириш, ишчи-ходимларнинг фарзандлари 1-синфга ўқишга чиқаётганда уларни ўқув қуроллари билан таъминлаш ҳамда қўшимча 1 кун ҳақ тўланадиган таътил бериш, зарарли иш жойларини аттестациядан ўтказиш, ишловчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш, меҳнатни муҳофаза қилиш борасида ишчиларга махсус кийим-бош, пойабзал, сут маҳсулотлари бериш—буларнинг барча-барчасининг киритилишига эришилган.

Корхона ва ташкилотларда ишловчилар учун юқорида кўрсатилган мажбурият ва имтиёзларнинг бажарилиши катта аҳамият касб этмоқда.

Ўтган 2005 йилда корхона ва ташкилотларда ишловчи ҳар бир ходим жамоа шартномалари орқали 706985 сўм наф кўрган.

2006 йилнинг "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" деб эълон қилиниши муносабати билан жамоа шартномаси бандларига кўп болали, кам таъминланган оилалар, пенсионерлар, уруш ва меҳнат фахрийлари ҳамда ногиронларни қўллаб-қувватлаш мақсадида етарли даражада имтиёзлар киритилишига эришилаяпти. Шу мақсад йўлида 2006 йилнинг биринчи чорагида 21 миллион 399 минг сўм маблағ сарфланди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож ёлғиз 40 нафар пенсионерга икки миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Машкура ЮСУПОВА,
Тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар Кенгаши меҳнаткашларнинг ижтимоий- иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлимининг етакчи мутахассиси



ОММАВИЙЛИККА ЭРИШИШ ЙЎЛИДА

МЕҲНАТКАШЛАР ҲАМДА УЛАРНИНГ ФАРЗАНДЛАРИНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ, СПОРТНИНГ ОММАВИЙЛИГИНИ ОШИРИШ КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАОЛИЯТИДА МУҲИМ ЎРИН ЭГАЛЛАЙДИ. БУ БОРАДА ДАВЛАТ МУАССАСАЛАРИ ВА ЖАМОАТ ҲОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИДА МУАЙЯН ИШЛАР ҚИЛИНМОҚДА. ЖУМЛАДАН, ЯҚИНДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАЖМУАСИДА ТАРМОҚ ХОДИМЛАРИ ЎРТАСИДА ЕНГИЛ АТЛЕТИКА БЎЙИЧА ОИЛАВИЙ МУСОБАҚА БЎЛИБ ЎТДИ.

Унда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, мазкур вазирликнинг Жазони ижро этиш бош бошқармаси, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг Қўриқлаш бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг «Интерсервис» бирлашмаси, Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, Тошкент шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси Инкассация бирлашмаси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасидан жами 10 та команда иштирок этди. Ҳар бир жамоа иштирокчилари 10 нафарни ташкил этиб, унда уч нафар эркак, уч нафар аёл ва тўрт нафар 12-14 ёшгача бўлган ўғил ва қиз болалар баҳслашдилар. Эркаклар спортнинг 100 ва 200 метрга югуриш ва узунликка сакраш, аёллар 60 метрга югуриш, жойидан туриб узунликка сакраш, ўғил ва қиз болалар 60 метрга югуриш ҳамда коптокни 30 метрга сакратиб бориш ва катта ёшдагилар арқон тортиш бўйича беллашдилар.

Мусобақани халқаро тоифадаги 10 нафар ҳакам бошқарди. Қизғин ва ҳаяжонли лаҳзаларга бой тарздаги баҳсларда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг жамоаси ғолиб чиқиб, биринчи ўринни эгаллади. Ўзбекистон Республикаси Инкассация бирлашмасининг жамоаси фахрли иккинчи, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Жазони ижро этиш бош бошқармасининг командаси учинчи ўринга сазовор бўлдилар. Ғолиб ва совриндорлар тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар Кенгашининг Фахрий ёрлиқлари ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар. Шунингдек, совринли ўрин олмаган бўлсада, мусобақада фаол қатнашган 34 нафар ўсмирларга ҳам эсдалик совғалари топширилди. Ғолиб чиқиш, совринли ўринларни эгаллаш билан бирга фаол иштирок этиш спортнинг оммавийлиги, оила аъзоларининг жам бўлиб мусобақада қатнашиши, соғлом турмуш тарзининг ҳаётимиздан мустаҳкам жой олаётганлиги қувонарлидир.





Ҳусан МАҲМУДОВ,
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар Кенгаши ташкилий ишлар бўлимининг мудири

МАГДЕБУРГДА ЎЗБЕКИСТОН КЕЧАСИ

МАГДЕБУРГ ШАҲРИНИНГ «ARTDEPOT» КЎРГАЗМАЛАР МАРКАЗИДА МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ГЕРМАНИЯ ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ЭЛЧИХОНАСИ КЎМАГИДА ТАШКИЛЛАШТИРИЛГАН ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИ КЕЧАСИ БЎЛИБ ЎТДИ. КЕЧА ДОИРАСИДА «ЎЗБЕК ФОТОСУРАТИНИНГ 125 ЙИЛЛИГИ» КЎРГАЗМАСИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШИ ЎТКАЗИЛДИ.

Кўргазмалар марказида 130га яқин сиёсий, ишбилармон, жамоатчилик, илмий ва маданий доиралар вакиллари, маҳаллий парламент депутатлари, журналистлар ҳозир бўлдилар.

Саксония-Ангальт ери парламенти президенти П.Штайнике кечани очар экан, бундай тадбирларнинг ўтказилиши маданий алоқаларни ривожлантириш билан бирга икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий муносабатларни кенгайтиришга ҳам кўмак беришини таъкидлади.

— Биз республикангизнинг ҳозирги ҳаёти, Ўзбекистон ҳукуматининг фуқаролар фаровонлигини яхшилаш борасидаги саъй-ҳаракати, хусусан, уй-жой коммунал хўжалиги, хусусийлаштириш, кичик бизнес соҳаларидаги ислоҳотлари тўғрисида маълумотларга эгамиз, — деди Магдебург шаҳри бургомистри Б.Шогала «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири билан бўлиб ўтган суҳбатда. — Гарчи бозор муносабатлари Германиянинг шарқий ерларида Ўзбекистондан олдин бошланган бўлсада, лекин республикангизнинг ижтимоий масалаларни ҳал этишдаги тажрибаси биз учун қимматлидир. Ўйлаймизки, доимий фикр алмашуви икки мамлакат манфаатларига хизмат қилади.

— Менда халқингиз бой тарихи катта таассурот қолдирди, — деди маҳаллий сиёсий доираларнинг кўзга кўринган вакилларидан бири, Саксония-Ангальт ерининг собиқ ички ишлар вазири В.Браун. — Ўз вақтида Ўзбекистоннинг Буюк Ипак йўлида жойлашган қадимий шаҳарларига сафар қилганман. Улардаги тарихий обидаларнинг жамоли ва буюклиги, мамлакатингиз маданиятининг сержилолиги мени ром этган.

«ArtDepot» кўргазмалар маркази директори Г.Бриегер хоним эса эътиборни Германиянинг Магдебург ва бошқа шаҳарлари аҳолисининг Ўзбекистон ҳаётига бўлган қизиқиши тобора ошаётганига қаратди. — Бу кеча икки халқнинг яхши ва дўстона муносабатларидан гувоҳ беради, — деб қайд этди у.

Маҳмуд БОБОНАЗАРОВ,
«Жаҳон»АА

Санъат

ФИЛЬМЛАР ФОНДИ ТУЗИЛАДИ

КИНОСАНЪАТКОРЛАРНИНГ ХАЛҚАРО АНЖУМАНЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ЯХШИ АНЪАНАГА АЙЛАНИБ ҚОЛДИ. РЕСПУБЛИКАМИЗ ПОЙТАХТИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН БУНДАЙ ИЖОДИЙ СЕМИНАРДА ЭСА ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР ҲАҚИДА ГАП БОРДИ.

Марказий Осиё мамлакатлари ҳужжатли картиналар усталари иштирокида уюштирилган бу ижодий кўрикда 40 га яқин экран асари намойиш қилинди. Бу ҳужжатли фильмларни ўқувчи ёшларга кўрсатиш ҳам кўзда тутилди.

Шуниси эътиборга сазоворки, анжуман дастуридан ўрин олган картиналар асосида фильмлар фондини тузиш тадбирлари кўрилди.

АНСАМБЛЬ — 10 ЁШДА

УСПЕНСКИЙ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА МУСИҚА МАКТАБИДА БИР НЕЧТА ИЖОДИЙ ГУРУҲЛАР ФАОЛИЯТ КЎРСАТМОҚДА. БОЛАЛАР ЖАЗ АНСАМБЛИ ҲАМ ЎЗ ИЖРОЧИЛИК МАҲОРАТИ БИЛАН МУХЛИСЛАРГА ЯХШИ ТАНИЛИБ ҚОЛДИ.

«Эвергрин» деб номланган бу ансамбль ташкил топганига ўн йил бўлди. Бу орада ёш созандалар бир нечта концерт дастурини тайёрлади. Фортепиано жўрлигида ижро этилаётган мусиқа асарлари кўпчиликка манзур бўлмоқда.

Шу ўн йиллик сана муносабати билан янги тайёрланган мусиқали кечада ёшлар болаларга бағишланган мусиқаларни маҳорат билан ижро этдилар.

КИНОРЕЖИССЁРНИНГ ИЖОДИЙ МУВАФФАҚИЯТИ

ТАНИҚЛИ КИНОРЕЖИССЁР ҚАМАРА КАМОЛОВА ТОМОНИДАН ЯРАТИЛГАН ЭКРАН АСАРЛАРИ МАВЗУ ЖИҲАТИДАН РАНГ-БАРАНГЛИГИ БИЛАН АЖРАЛИБ ТУРАДИ. БОЛАЛАР ҲАЁТИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ ҚИЛУВЧИ ФИЛЬМЛАР ҲАМ ЗАВҚ-ШАВҚ БИЛАН ТОМОША ҚИЛИНАДИ.

Санъаткорнинг навбатдаги фильми эса ўсмир ёшларнинг кечинмаларига бағишланди. «Оқ йўл» деб номланган мазкур бадиий фильм фольклор материали асосида экранлаштирилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу картина яқинда ўтказилган кино усталари республика конференциясида энг яхши ижод намунаси деб баҳоланди.

Акбар АЛИЕВ

ФАОЛИЯТИМИЗНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАН БИРИ

МЕҲНАТ АҲЛИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КАСАБА УЮШМАЛАРИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАН БЎЛИБ, МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА ТЕХНИКА ХАВФСИЗЛИГИ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРДАН БИРИДИР. МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ, ХАВФСИЗ, ҚУЛАЙ ИШ ШАРОИТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ИШЧИ-ХИЗМАТЧИЛАР, МУҲАНДИС-ТЕХНИК ХОДИМЛАР МАНФААТДОРЛИГИ, ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТИБ, БУ БОРАДА "ЎЗТРАНСГАЗ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИДА МУАЙЯН ИШЛАР ҚИЛИНМОҚДА.

Меҳнатни муҳофаза қилиш ишларига жамоатчи вакилларнинг диққат билан ёндошуви ишнинг самарали бўлишига ёрдам бермоқда. Доимий ишловчи махсус комиссия томонидан ўтган йилда учта комплекс ва режадан ташқари олтита текшириш ўтказилиб, жиддий камчиликлар аниқланган. Йўл қўйилган қоидабузарликлар учун 261 нафар ходим интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилган. 51 та объект ва 124 та иш жойи паспортлаштирилганлиги натижасида 296 нафар ходимнинг, шу жумладан, 34 нафар аёлнинг иш шароити яхшиланди. Текширишларнинг таҳлили, йўл қўйилган камчилик ва нуқсонлар ижро ва меҳнат интизомининг ҳамда корхона тасарруфидаги бўлинмалар, хизматлар, цехлар ва бригадалар раҳбарлари томонидан назоратнинг етарли даражада эмаслигини кўрсатди. Ишнинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ёнғин хавфсизлигига катта аҳамият берилади. Республика миқёсида ва тармоқ бўйича ёнғин хавфсизлиги ойликларида корхонадаги барча ишчилар иштирок этдилар.

Ушбу тадбирларнинг якунида кўрик-танловлар ўтказилиб, яхши натижаларга эришган, фаол қатнашган таркибий тузилмалар маънавий ва моддий жиҳатдан рағбатлантирилди. Жорий йилда 22 нафар ходим Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ёнғин хавфсизлиги олий техника мактаби базасидаги малака ошириш курсларида ёнғин хавфсизлиги техникаси бўйича ўқитилиб, мувофиқлик аттестатини олдилар. Меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги соҳасидаги амалий ва назарий билимларнинг савиясини ошириш, режалаштирилган барча тадбирларни моддий-техник жиҳатдан таъминлаш, ишчиларга ажратилган махсус кийим-кечак ва пойабзални сотиб олиш, зарур меъёрий-техник ҳужжатларни нашр этиш ва тарқатиш, иш ўринларини аттестациядан ўтказиш каби муҳим ишлар касаба уюшма фаолларининг диққат марказида туради. 2006 йил учун қабул қилинган жамоа шартномаларидаги техника хавфсизлиги бўйича ўзаро мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолда ишлаб чиқаришда меҳнатни муҳофаза қилиш, инсон саломатлигини сақлаш ва бу борада билим ҳамда тажрибалардан оқилона фойдаланиш, бу долзарб масалага янада чуқур масъулият билан ёндошиш — фаолиятимизнинг устувор йўналишларидан бўлиб, бу борада бор куч-ғайратимизни аямаймиз.

Равшан ТУРҒУНОВ,
"Ўзтрансгаз" акциядорлик компанияси бирлашган касаба уюшма қўмитасининг раиси

ЁЗГИ МАВСУМ МАЗМУНЛИ ЎТАДИ

ЎЗ ТАСАРРУФИДА БОЛАЛАР СОҒЛОМЛАШТИРИШ ОРОМГОҲИГА ЭГА БЎЛГАН ПОЙТАХТ КОРХОНАЛАРИНИНГ ХЎЖАЛИК РАҲБАРЛАРИ ВА КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАЛАРИ ЖАМОА ШАРТНОМАЛАРИ ВА КЕЛИШУВЛАРИ АСОСИДА ЖОРИЙ ЙИЛДА "ҲОМИЙЛАР ВА ШИФОКОРЛАР ЙИЛИ" ДАСТУРИ ДОИРАСИДА ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ ВА ШАҲАР КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТАШКИЛОТЛАРИ БИРЛАШМАСИНИНГ КЕНГАШИ ТОМОНИДАН ҲАМДА ШАҲАР БОШҚАРМА ВА ИДОРАЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ЁЗГИ ТАЪТИЛИ КУНЛАРИДА МЕҲНАТКАШЛАР ФАРЗАНДЛАРИНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ ВА ДАМ ОЛДИРИШ ЮЗАСИДАН МАЪЛУМ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ИШЛАБ ЧИҚИЛИБ, АМАЛГА ОШИРИШГА ТАРАДДУД КЎРИЛМОҚДА.

Об-ҳаво шароитлари, моддий етишмовчиликларга қарамасдан хўжалик раҳбарлари, касаба уюшма қўмиталари болалар дам олиш масканларини ўз вақтида ва сифатли тайёрлашни таъминлашмоқда. Оромгоҳлар тарбиячилар, тиббиёт ходимлари, ошпазлар, маданият ва спорт мутахассислари билан таркиб топтирилмоқда. Болаларни сифатли овқатлантириш билан боғлиқ бўлган масалалар ҳал этилмоқда.

Шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши оромгоҳларни барча хизматлар билан таъминлашни мувофиқлаштириш юзасидан зарур ишларни олиб бормоқда. Ушбу масалалар шаҳар ҳокимлиги ва шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасининг Кенгаши ўртасида 2005-2007 йилларга тузилган Келишувга киритилган. Яқинда шаҳар ҳокимлигида мактаб ўқувчиларининг ёзги таътили кунларида болаларнинг дам олишига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича шаҳар комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда тайёргарликнинг дастлабки босқичи масалалари атрофлича муҳокама этилди, бу йилги комиссия таркиби ҳамда мавсумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан чора-тадбирлар режаси тасдиқланди.

Шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашида мавсумга тайёргарлик кўриш режасига асосан 27-28 апрелда барча оромгоҳлар бошлиқлари ва бош ҳисобчилари малака ошириш комиссиясининг суҳбатидан ўтказилди.

Шу йилнинг 4 майида бирлашма Кенгашида пойтахт корхоналари тасарруфидаги болалар соғломлаштириш оромгоҳлари бошлиқлари, бош ҳисобчилари, катта тарбиячи ва катта етакчилари учун семинар ўтказилди. Унда оромгоҳларнинг ёзги мавсумдаги фаолиятига кўмаклашувчи ва назорат қилувчи шаҳар хизматларининг раҳбарлари иштирок этишиб, мавсумда ишни тўғри ташкиллаштириш юзасидан тажриба алмашдилар.

Айтиш лозимки, жорий йилнинг ёзги мавсуми даврида 26 та стационар ва 26 та умумтаълим мактаблари негизида ташкил этиладиган кундузги оромгоҳларда 37 минг нафар болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш, шу жумладан, "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" дастури доирасида стационар оромгоҳларда бепул йўлланмалар билан шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашининг маблағлари ҳисобидан Мехрибонлик уйларининг 700 нафар тарбияланувчиларини, Мустақиллик байрами шодиёнасида иштирок этувчи иқтидорли 700 нафар болалар ҳамда қорақалпоқ меҳнаткашларининг 1500 нафар фарзандларини соғломлаштириш режалаштирилган.

Меҳнат жамоалари ва уларнинг касаба уюшма қўмиталари маблағлари ҳисобидан эса жорий йилга қабул қилинган жамоа шартномалари асосида корхоналарда ишлаётган 200 нафар кам таъминланган, кўп болали ва ночор оилаларнинг фарзандларини бепул дам олдириш кўзда тутилган.

Ушбу даврда ҳар бир оромгоҳда кенг қамровли маданий-маърифий ва спорт-соғломлаштириш тадбирлари, қизиқарли учрашувлар, баҳс-мунозаралар ўтказилади, саёҳатлар, қўшиқ ва рақс фестиваллари, спартакиада ва мусобақалар ташкил этилади. Бу тадбирларни тайёрлаш ҳамда ўтказишда хўжалик ва касаба уюшма ташкилотларининг раҳбарлари бевосита иштирок этадилар.

Ёзги таътил даврида шаҳар Маданият ва спорт ишлари бошқармаси, "Камолот"ЁИҲ, "Маҳалла" жамғармаси, Халқ таълими бош бошқармаси томонидан туман ҳокимликлари билан биргаликда пойтахтимизнинг маданият ва истироҳат боғларида, маданият саройлари, клуб ва кутубхоналарда, спорт иншоотлари ва спорт-соғломлаштириш мажмуаларида, мактабдан ташқари ва бошқа муассасаларда болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида ташкил этиладиган тадбирларга оромгоҳларга жалб этилмаган шаҳримиз меҳнаткашлари фарзандларининг ташрифини ташкилий равишда уюштириш режалаштирилмоқда.

Айтиш лозимки, шаҳар ҳокимлигининг Халқ таълими ва Соғлиқни сақлаш бош бошқармалари, Савдо, хизмат кўрсатиш ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш Департаменти, Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари ва Тошкент Давлат педагогика университетлари оромгоҳларга зарур бўлган малакали ходимларни тайёрлаб беряптилар. "Тошшаҳартрансхизмат" ассоциацияси корхоналар талабномаларига биноан оромгоҳларга болаларни ташиш юзасидан, "Меҳрли савдо" давлат корхонаси оромгоҳларни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича зарур чораларни кўрмоқдалар. Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази эса оромгоҳларни қабул қилиш ва уларнинг фаолияти бўйича назорат ишларини олиб борадилар. Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси оромгоҳларда жамоат тартибини сақлаш учун уларнинг барчасига милиция ходимларини юборади, оромгоҳларга болаларни автобусларда олиб бориш ва қайтариб олиб келишда Тошкент шаҳар Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ходимлари йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаб берадилар.

Ёзги мавсумда азиз болаларни соғломлаштириш, мазмунли дам олишини ташкил этиш - долзарб вазифа бўлиб, бу хайрли ишни амалга ошириш йўлида барча мутасадди ташкилотлар ўз куч-ғайратларини аямайдилар, деб умид қиламиз.

Ғайрат ЗУНУНОВ,
Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раисининг ўринбосари

Ўз-ўзи ўргатиб доно бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Такаббурга салом берма, саломга жавоб қайтариш унга оғирлик қилади, жавоб бермагани эса сенга оғир туюлади. Ростгўйлик охират кунида нажотга муяссар қилур.

КОШИФИЙ

Қилма ҳаддингдан тажовуз,
топмайин десанг шикаст,
Кибр ила мағрурлар, кўрдингми,
қандоғ бўлди паст.

ОРАЗИЙ

Худбин бўлма, худбин самарасиз бўлур,
Ҳунарбин бўл, худбин ҳунарсиз бўлар.
Дононинг оғзидан чиққан сўздир кон,
Осмону ердан ҳам улкан бегумон!

Муҳаммад ЗЕҲНИЙ

Тор кўнгуллик беклар, ман-ман
деманг, кенглик қилинг
Тўқсон икки бовли ўзбек юртидур,
тенглик қилинг.
Бирни қипчоқу хитой, бирни юз, найман деманг,
Қирқу юз, минг сон бўлиб бир жон
ойинлик қилинг.

ТУРДИ

Худбинлик инсонга заволлик келтиради. Кимки худбин бўлса халқ назаридан қолади. Эй азиз, агар сен инсон бўлай десанг худбин бўлма, йўқса сен ўз жонингни хатарга ташлаган бўласан. Агар сен улуғликни хоҳласанг камтарлик йўлини тут! Шеър:

Ўзни паст олди-ю ўсиб чиқди дон,
Қамиш бош кўтариб эзилди гирён!

Муҳаммад Жавҳар ЗАМИНДОР

Қилсанг такаббур шармандадурсен,
Ҳар гову хардин ҳам гандадурсен.

Толиб ТОЛИБИЙ

Инсон ўзини бошқалардан ортиқ деб билмаслиги, ўзини ақлли, ўзгаларни ақлсиз деб тасаввур қилмаслиги, ҳар қандай яхши ишни ўзига лойиқ ва ўзгаларга нолойиқ деб ҳисобламаслиги зарур. Борди-ю юқорида айтилганларга йўл қўйса, демак, бу худбинлик бўлади. Худбин одамлар ўз камчиликларини кўрмайдилар, кўрсалар ҳам уни камчилик ҳисобламайдилар ёки тан олишни истамайдилар. Бошқаларнинг камчилигини кўриб қолсалар, шов-шув кўтаришга уринадилар. Байт:

Яхшилар айбидан кўз юмгин ҳар он!
Ҳасад кўзи билан боқмагил зиён.
Ўз айбинг кўрмоққа юз марта кўз оч,
Ўзгага бир бор ҳам кўз очишдан қоч!

Муҳаммад ҲУСАЙН

Ғурур этма аслингга, қил касби фазл,
Эрур мўътабарроқ насабдин ҳасаб.

***

Минсанг, эй шоҳ, фалак маркабини кун янглиқ
Бўлма мағрурки, ул ашҳаб эрур асру асов.

МУНИС

Таъмагирлик уламолар қалбидаги ҳикматни ҳам кетказади.

ҲАДИС

Ҳар кимсага менсимаслик назари билан қарама, ҳар бир ожиз чумолига ҳақорат кўзи билан боқма. Эҳтимол уларнинг кўринишлари аянчли бўлса-да, вужуди одамийлик хислати билан лиммо-лимдир. Шеър:

Катта кичик бу йўлда бир-бирига муҳтождир,
Баъзан ўргимчак ини пинҳон тутар одамни!
Ерга қўйган бошини ердан дона олади,
Кимки бурнин кўтарса, қонатиб олар уни.

Муҳаммад Жавҳар ЗАМИНДОР

Найза бўлур тузлигидан сарбаланд,
Чирмаш учун банд аро қолмиш каманд.

НАВОИЙ

Биров сени ўзингда йўқ сифатлар билан мадҳ этса, ундай одамга ишонма, чунки ўша сенда йўқ ёмон сифатлар билан ўзга ерда сени ёмонлашга қодир.

«ФАВОКИҲ ал-жуласо»

Қайдаким чумчуқ малахни кўрса бўлур шаҳбоз,
Вале шаҳбоз олдида бордур малахдин
ҳам забун.

ПОШШОХЎЖА

Ҳар куш ўз овозидан шодланади.

«ОТАЛАР сўзи»

Кимки бировни унда йўқ яхши сифатлар билан мақтаса, бу мақтов эмас, балки хавф, яъни унинг устидан кулиш билан баробар.

Муҳаммад ҲУСАЙН

Айбни айлаб ҳазар қил, Огаҳий касби ҳунар,
Ким эса жинси бўлмоқ эмас маъюб хўб.

ОГАҲИЙ

Ўлгандан сўнг мақталиш иккинчи ҳаёт, тирикликда ёмонланиш эса ўлимдир.

Одамни унда йўқ сифатлар билан мақташ ўта таҳқир этишдир.

«ОТЛАР сўзи»

Камтарлик дарахтин ўтқазсанг агар,
Муҳаббат мевасини ейсан ҳар қачон!

Муниддин ЖУВАЙНИЙ

Қор қанча қалин ёққани билан ёзга етмайди.

«ҚЎРҚИТ Ота китоби»

Одам ўлгон зеби зоҳирдин эмас,
Кимки андин фахр этар, одам эмас.

НАВОИЙ

Чекмасмен оқшомлар шамнинг миннатин,
Чунки, фикрим шамдан шуъалирокдур.

Паҳлавон МАҲМУД

Бир доно шундай деди: «Риёкорлик билан қилинган яхшиликдан ҳеч кимга билдирмай, хилватда қилинган гуноҳ афзал!» Байт:

Риё билан эл кўзида бўлгандан, яхшироқ
Хилват ичра май ичиб, юзлаб гуноҳ қилганинг!

Абулбаракот ҚОДИРИЙ

Маҳмуд ҲАСАНИЙ,
Ҳамиджон ҲОМИДИЙ тайёрлашган

Оғир атлетика

ФАХРИЙЛАР ВА ЁШЛАР МАҲОРАТ КЎРСАТИШДИ

ШАҲРИМИЗДАГИ МҲСК ОҒИР АТЛЕТИКА ЗАЛИДА СПОРТНИНГ УШБУ ТУРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО МУСОБАҚА ВА РЕСПУБЛИКА ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ ОЧИҚ БИРИНЧИЛИГИ БАҲСЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ.



Турнирда спорт фахрийлари ҳам иштирок этишди. Жумладан, фахрийлар ўртасида 56 килограммгача вазнда иккикураш натижасига кўра 145 килограмм вазнни забт этган шаҳримизнинг «Ёшлик» клуби вакили Геннадий Ти ғолиблар сафини бошқарган бўлса, 69 килограммлилар беллашувида Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти вакили Георгий Петросовга тенг келадиганлар топилмади. 72 килограммгача вазнда эса касаба уюшмалари жамияти вакили Нозим Зокиров анчайин юқори натижа кўрсатди. Унга 215 килограммлик вазн «бўйсунди». 94 килограммгача вазндаги фахрийлар ўртасида ҳам ғалаба шундай оғирликни кўтарган пойтахт вилояти вакили Дилмурод Берниковга насиб этди.

Энг оғир вазнда чирчиқлик Зуфар Бибарцев турнир ғолиби бўлди.

Ёшлар ўртасида 56 ва 62 килограммгача бўлган вазн тоифаларида Маҳмуд Шарипов (Наманган) ҳамда пойтахтлик Руслан Алпанов 200 ва 270 килограммлик натижаларни кўрсатган ҳолда турнир ғолиблари бўлишди.

Айниқса 77 килограммгача штангачилар ўртасида нукуслик Баҳром Мендибаевнинг 286 килограммлик натижа билан юқори натижа кўрсатганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Қолган вазн тоифаларида эса Суннат Музаффаров (Тошкент шаҳри), Руслан Ражабоев (Хива), Иван Ефремов (Тошкент вилояти), Дмитрий Татарков (Фарғона), Алишер Ғуломов (Бухоро) мусобақа ғолиблари қаторидан ўрин олишди.

Турнирда иштирок этган Одил Аташев ва Тимур Пердибоевлар илк бор спорт устаси талабларини бажардилар. Мусобақанинг барча ғолиб ва совриндорлари дипломлар ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТЛАРДА: турнирдан лавҳалар.

Алексей Попов олган суратлар





Футбол

БУНИ ВАҚТ КЎРСАТАДИ

ЎЗ ВАҚТИДА «ПАХТАКОР» ЖАМОАСИДА БЕТАКРОР МАҲОРАТИ, ЧИРОЙЛИ КОМБИНАЦИЯЛАРИ БИЛАН МУХЛИСЛАРУ МУТАХАССИСЛАР ЭЪТИБОРИНИ ҚОЗОНГАН МОҲИР ФУТБОЛЧИ ВАСИЛИС ХАДЗИПАНАГИС ТОШКЕНТГА КЕЛИШИ МУМКИН.

Гап шундаки, моҳир футболчи Василис Хадзипанагиснинг «Пахтакор» таркибида ўйнаган йиллари тарихини ўрганиш мақсадида Грециядан Тошкентга журналист Янтос Димитриос ташриф буюрди ҳамда шаҳримизда истиқомат қилаётган Хадзипанагиснинг собиқ жамоадошлари, қадрдон дўстлари билан учрашди, футболимиз фидойиси Ахбор Имомхўжаев билан уюштирилган мулоқот грециялик мухбирда катта таассурот қолдирди. Шуниси эътиборлики, 25 май куни «Пахтакор» жамоаси ташкил этилганлигининг 50 йиллиги шаҳримизда катта тантана қилинади. Шу муносабат билан «Пахтакор» клуби раҳбарлари Василис Хадзипанагисни ҳам ушбу байрамда қатнашишини истаб унга таклифнома юборишди.

Собиқ пахтакорчи, ҳозирда Греция футбол академиясига раҳбарлик қилаётган Василис Хадзипанагис Тошкентга келадими ёки йўқми, буни вақт кўрсатади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Шахмат

ХОТИРА ТУРНИРИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА МАШҲУР ШАХМАТЧИ, ЎРТА ОСИЁДА ЕТИШИБ ЧИҚҚАН БИРИНЧИ СПОРТ УСТАСИ МАМАЖОН МУҲИДДИНОВ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНГАН V ШАХМАТ МУСОБАҚАСИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Турнирда Тошкент вилояти Қибрай туманидаги шахмат клуби аъзолари, мактаб ўқувчилари ва спорт усталигига номзодлар қатнашишди. Турнир 3-босқичда «Олимпия усули», «Айлана усули» тарзида олиб борилди ва ғолиблар аниқланди.

I босқичда 20 та ёш шахматчи қатнашиб, шулардан 10 таси II босқичга ўтишди, III босқичга эса 5 та қатнашчи ўтди. 1-ўрин — спорт усталигига номзод Т.Абдуқодировга, 2-ўрин — спорт усталигига номзод Д.Шукуровга, 3-ўрин эса биринчи тоифали шахматчи Е.Худойқуловга насиб этди. Ғолибларга боғ маъмурияти томонидан эсдалик совғалари топширилди ва фаол қатнашган ёш шахматчиларга боғ аттракционларига бепул чипталар берилди.

Турнир ташкилотчиси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, халқ маорифи аълочиси Азиз Ёқубов ушбу мусобақани беш йилдан буён мунтазам уюштириб келмоқда.

Ушбу турнирни ўтказишдан асосий мақсад, Ўрта Осиёда етишиб чиққан биринчи шахмат устаси Мамажон Муҳиддинов хотирасини ёдга олиш, бундан ташқари етишиб чиқаётган ёш шахматчиларнинг маҳоратларини синаш, уларнинг онгини ўстириш ва дўстлаштиришдан иборат, — дейди Азиз Ёқубов. — Шахмат — қадимий, ажойиб ақлидрок ўйини бўлиб, сўнгги тадқиқотларга қараганда Шарқда пайдо бўлган. Астасекин ўйин қоидалари ўзгариб, шахматнинг ўзи тобора кенг тарқалиб борди. Ҳозирги кунда юз миллионлаб кишилар шахмат ўйнайди. Шахмат билан шуғулланиш шахснинг кўпгина муҳим қирраларининг уйғун ривожланишига кўмаклашади. Шахмат билан шуғулланган инсоннинг тафаккури, хотираси ривожланади, диққатини бир жойга тўплаш қобилияти такомиллашади. Албатта, ҳар бир ишнинг мушкул томони бўлганидек шахмат ўйинининг ҳам ўзига яраша қийинчиликлари бор. Бу қийинчиликларни бартараф этиш учун эса кўпроқ изланиш керак.

Малика ЮСУПХОДЖАЕВА

Бу гал даврага элимизнинг севимли қўшиқчи санъаткорларининг устози Абулқосим Тўйчиев жўрабошилик қилди. Даврада ўзбек миллий мусиқа санъатининг дарғалари бирма-бир ёдга олиниб, уларнинг ибратли фазилатлари, қизиқ воқеалари эсланиб, миллий қадриятларимиз, маънавий- маърифий меросимиз улуғланди. Кўрсатувнинг ажойиб фазилатлари шундан иборатки, давра миллий урф-одатларимизга биноан чойхонага йиғилган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Дилмурод Исломов сой бўйидаги чиқиндихоналарни тозалаб қаҳвахона қуриб бизни ва бошқа санъаткорларни таклиф қилган эди. Ўшанда Неъмат ака Дилмуроднинг ўзи санъаткор бўлгандан кейин бу даргоҳга санъаткорлар келиб ош дамлаб гурунглашиб ўтиришсин ва биз ушбу гурунгда «Паловхонтўра» кўрсатувини тасвирга тушириб элу юртга санъатимиз, санъаткорларимизни кўрсатайлик. Сен ана шу кўрсатув-

ОРОМГОҲДА КУЛГИ КЕЧАСИ

«ПАЛОВХОНТЎРА» ТЕЛЕКЎРСАТУВИНИНГ НАВБАТДАГИ СОНИНИ ТАЙЁРЛАШДА АНЪАНАГА КЎРА КЎРСАТУВ ИЖОДКОРЛАРИ МАРАТ АСАДУЛЛАЕВ ВА ҲАМИД ҚАҲРАМОНОВ ПОЙТАХТИМИЗНИНГ СЎЛИМ ОРОМГОҲЛАРИДАН БИРИ — «СОЙ БЎЙИ» ҚАҲВАХОНАСИГА ТАНИҚЛИ САНЪАТКОРЛАРНИ ТАКЛИФ ҚИЛИБ, ТАОМЛАР «ШОҲИ»НИ ТАЙЁРЛАШ ЖАРАЁНИДА КЎРСАТУВНИ СУРАТГА ТУШИРДИЛАР.

жўраларнинг гурунги сифатида талқин қилинади. Аммо бўлаётган воқеа ва ҳодисаларни диққат билан кузатсангиз кўрсатувда халқимизга хос бўлган каттага ҳурмат, кичикка иззат, санъаткор ҳамкасбга эса тасанно тарзидаги кўпгина фазилатларнинг уфуриб турганини сезиш қийин эмас. Айниқса кўрсатув эл ардоғидаги Ортиқ Отажонов, Бахтиёр Тўлаганов, Ғуломжон Ёқубов, Маҳмуд Тожибоев, Каримбой Раҳмонов каби санъаткорларнинг қизиқ ҳикояларию дил қўшиқлари, энг муҳими, Абулқосим Тўйчиевнинг ичакузди аскиялари билан ажойиб ҳангомалари ўзбек миллий маданиятимизнинг мусиқа санъатимизнинг нақадар бой ва такрорланмас ўзига хос фазилатларга эга эканлигини кўрсатиш эътиборга лойиқдир. Кўрсатув муаллифи ва бошловчиси Марат Асадуллаев билан бўлган суҳбатимизда кўрсатув доирасидаги кейинги режалар ҳақида у шундай фикрларни билдирди.



Кўрсатувимиз қарийб 8 йилдан буён давом этиб келаётган бўлса унинг туғилишига устозимиз Неъмат Саидхонов сабабчи бўлдилар. нинг бошловчи ва муаллифи бўласан деб менга ушбу масъулиятни юкладилар. Шундан буён ҳар бир байрамда ушбу даргоҳда кўрсатув тайёрлаб элу-юртнинг дуосини оляпмиз. Энди кўрсатув «Ёшлар» телерадиоканали орқали намойиш этилади. Натижада биз ҳар бир вилоятларга бориб у ердаги санъаткорлар билан ҳам учрашиш имкониятига эга бўлдик. Мақсадимиз республикада «Паловхонтўра» кўрик- танловини ўтказиб 2006 йилнинг якунида ғолибларни аниқлаш. Албатта бу ниятимизнинг амалга ошиши вилоятлардаги раҳбарларнинг бизни қўллаб-қувватлашига боғлиқ.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаймизки, «Паловхонтўра» кўрик-танлови ижодкорларига келгусида омад тилаб, мутасадди ташкилотлардан ушбу ташаббусни қўллаб-қувватлашларини сўраб қоламиз.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТДА: навбатдаги тадбир ҳам ана шундай қизиқарли лаҳзаларга бой тарзда ўтди.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

Қатралар

ЁМОН СЎЗ

— Ҳақиқий ўқ бўлсанг ҳам хизматинг меникидан паст,—деди ёмон сўз.

— Нега?—ажабланди ўқ.

— Сен кўпинча рақибингни гоҳ қўл, гоҳ қулоқ, гоҳ оёғини жароҳатлайсан. Шикаста аъзолар дори-дармон, сабр билан битиб кетаверади. Мен кўпинча кўзланган «нишоннинг» ўртасига тегаман. Ёки рақибимнинг қалб уйига кираманду ундан чиқмай, аччиқ заҳримни етмиш икки томирига ёяман. Аъзои бадани қақшаб изтироб чекади. Умрини эговлаб ташлайман. «Қалб жароҳати ёмон» деган гапга асос солган мен.

—Унда сенга тенг келолмайман,—ёмон сўзга тан берди ўқ.

АҲИЛ БЎЛМАСА...

—Пўстинг кўпу нега қовушмай бир ўзинг қолдинг эгатда,—сўради ўт ўраётган ўроқ карамдан.

—Сувчининг назаридан четда қолдим. Сувга зорлигимдан баргларим бир-бирига қовушишга, ҳосил тугишга эришолмади. Юзта баргим бўлса-ю бирлашишга чоғи келмаса-ахил бўлмаса бекор экан. Мақсадга эришолмай қақраган тарқоқ баргларимга боққан кўзлар: «Эссиз сенга ер, зое кетган меҳнат!»—дея ёвқараш, таъна қиладилар. Ундан кўра юзта барг ўрнига йигирмата барг билан қовушиб, аҳилликда муштдеккина бўлса ҳам ҳосил тукканим афзал эмасми?!

—На чора?! Энди молга дармон бўлақол,—деди ўроқ ва қовушмаган ўт билан қўшиб ўриб олиб кетди.

Аҳиллик бўлмаган жойда на барака бор, на файз!

БИР-БИРИНИ КЎРОЛМАЙДИ

Ёш ҳасадчи қари ҳасадчидан:

— Ташвишингиз оғирроқми?—деб сўради.

— Оғирлигидан зил-замбил бўлиб кетаяпман.

— Сабаб?

— Биринчидан қўшнимнинг боғи ҳосилга кирди.Бунга бир куяман. Иккинчидан томорқа ерим чўлдек кўп-қуруқ. Бунга яна куяман. Кўнглим хиралигидан қўлим ишга бормайди. Бунисига яна куяман. Хўш, нега тиржаясан дардимга ҳамдард бўлиш ўрнига,— деди қари ҳасадчи алам билан.

—Менинг ҳам дардим ўзимга етади. Сизникига шерик бўлсам ҳасад оловида баттар ёнурман. Аслида ёш ҳасадчи унинг ҳасадгўйлик азобидан қувониб, дили ором оларди.

Ҳасадчи ҳам ҳасадчини кўролмайди.

ҚЎРҚОҚНИНГ ҲОЛИ

—Бегона эмасман. Менинг аждодларим ҳам шу ерда униб-ўсган. Ердаги озуқани сен билан тенг баҳам кўришим керак,—ўшқирди ўт экинга.

—Ердан униб чиқибсанки мени турткилаб, дағдаға қиласан. Сени бегона деяпманми?! Тинч қўйсангчи, —деди бунга жавобан ювошгина экин.

Дам ўтмай чақҳон қўл ўтни илдизи билан суғуриб ташлади.

—Бечора ўт деҳқонга бегона-да, қўрққанидан олдинроқ «мушт» кўтараётган экан,—деди экин.

Қўрққан олдин мушт кўтарар, деганлари бежиз эмас.

Ғани АБДУЛЛАЕВ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 212-хона.

Мунажжим башорати

МУЗДЕК СУВ ШИФОБАХШ БЎЛАДИ

24 МАЙ, ЧОРШАНБА

БУГУНГИ КУН ВАЗИЯТИ БИРИНЧИ НАВБАТДА ИШЛАРИНГИЗДА БАРҚАРОРЛИКНИ АСРАБ ҚОЛИШНИ ТАҚОЗО ЭТАДИ. КУНДАЛИК ВАЗИФАЛАРИНГИЗНИ БАЖАРА БОРИБ, БОШҚА НАРСАЛАР ҲАҚИДА КЎП ҲАМ БОШ ҚОТИРМАЙ, РЕЖАЛАРИНГИЗГА РИОЯ ҚИЛАРКАНСИЗ, ХИЖОЛАТЛАРДАН ҲОЛИ БЎЛАСИЗ.

Ҳозирги босқичда эришганларингизни мустаҳкамлаш энг муҳим ишингиз бўлиши керак. Имкон қадар ишларингизни эртанги кунга қолдирманг. Ўзаро келишиб олиш, ҳужжатларни имзолаш, юқоридагиларга мурожаат қилиш каби барча ишлар бугун ҳал этилиши керак.

Кечқурунга бориб фақат ўзингиз билан машғул бўлганингиз маъқул. Чунки олдингдаги кунлар воқеаларга бой бўлиб, зарур тарзда ўзингизни парваришлашга вақт қолдирмайди.

Бугун совуқ сув шифобахш қудратга эга бўлади ва бирор анҳор ёки сув ҳавзасида масза қилиб чўмилиб олсангиз ажойиб иш бўларди. Бугун, шунингдек, турли мулоқотлар, сафарлар ва пул айирбошлаш амаллари хайрли бўлади. Харидлар қилинг, савдо-сотиқ билан шуғулланинг, битимларни имзоланг.

Бугун само ёзувларини ўқишни уддалашингиз керак бўлади: агар бир хил шаклдаги булутларни осмонда уч бора кўрсангиз, бу ҳаётингизда яқин орада рўй беражак ўзгаришлардан огоҳлантиришдир. Қуёш чарақлаб туриб, камалак рангларини кўриш ёки ёмғирда қолиш бахт ва омадга ишора бўлади.

Бу кеча кўрган тушларингиз башоратли ҳисобланади ва уларни яхшилаб эслаб қолишга ҳаракат қилинг.

Бугун қон йўқотиш мумкин эмас, донорлик ва қон қуйиш муолажалари ман этилади. Тромбофлебит ёки лимфа безлари хасталиклари зўрайиши мумкин. Кўз ва қулоқларингизни эҳтиёт қилинг.

Оқ, ҳаворанг ва олтинранг кийимлар сизга бугун омад бахш этиши мумкин. Қора, яшил ва жигарранг либосларингизни бошқа вақтларга асраб қўйинг.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г- 706

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 3162 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари буйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6